2003 YIL 14 OKTYABR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 128 (6.653). Sotuvda erkin narxda

### КУНИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон давлат консерваториясида америкалик мусиқачилар - Адам Клиппл квартетининг жаз концерти бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Бобур хайрия жамғармаси раиси Зокиржон Машрабов билан учрашув бўлиб ўтди.

● Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан иқтисодий таълим ва ривожланиш соҳасидаги лойиҳа доирасида «Иқтисодий атамаларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги луғати» чоп этилди.

● Сурхондарёда «Конституциямиз - бахтимиз пойдевори» мавзуидаги кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Навоий давлат педагогика институтида Абдухолиқ Ғиждувоний меросининг маънавиятимиз тарихидаги ўрни мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

● Хатирчи туманидаги Ташмачи қишлоғида икки минг ўринли ёпиқ спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида илк бора «Ландшафт дизайни. Куз-2003» - гуллар кўргазмаси ташкил этилди.

● Тошкент педиатрия тиббиёт институтида «Болалар гастроэнтерологияси: бугун ва келажак» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг тўққиз ойлик иш якунлари ва жорий йилнинг тўртинчи чораги вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу муносабат билан мазкур таълим даргоҳида «Университет XXI асрда: натижалар ва истиқболлар» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкентда мамлакатимиз ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) томонидан ташкиллаштирилган Божхоналар ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи учрашуви ниҳоясига етди.




Б. АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*

## ҚАРОРИ

## 2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, фермерлар, пудратчилар ва теримчилар томонидан терилган пахта хом ашёсини қабул пунктларига ўз вақтида топширмаслик, пахтанинг мослаштирилмаган жойларда сақланиши, пахта майдонларининг пайҳон қилиниши натижасида кўплаб ҳосилнинг йўқотилишига йўл қўйилмоқда.**

**Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-тарож қилиш ҳолларининг тез-тез учраётганлиги, уни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринишлар жиддий зарар келтирмоқда. Йиғиб олинган пахта хом ашёси ҳосилининг, кейинчалик уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ва сотиш мақсадида хусусий уйларда ва ҳовлиларда яшириш ҳоллари ушбу қонун бузилишларини келтириб чиқараётган сабаблардан биридир.**

**Фақат биргина ҳолатда Сирдарё туманида яшовчи фуқаролардан бирининг хусусий уйидан 2,2 тонна пахта хом ашёси топилган. Ана шундай ҳоллар Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида, Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида ва республиканинг бошқа минтақаларида ҳам аниқланган.**

**Вужудга келган аҳвол айрим хўжалик раҳбарлари томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилганлиги, уларнинг ҳосилни сақлаш муаммоларидан ўзини четга олаётганлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан уларга нисбатан талабчанликнинг пастлиги оқибатидир.**

**Пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш, ташиш ва сақлаш вақтида унинг сақланишини таъминлаш, пахтачилик хўжаликлари раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:**

1. Қуйидагиларга:

Жиззах (У.Яманқулов), Наманган (Т.Жабборов), Сирдарё (Р.Ҳайдаров), Тошкент (У.Мирзақулов) ва Фарғона (А.Отабоев) вилоятлари ҳокимларига, қўшни давлатларга чегарадош туманлар ҳокимларига пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари уларнинг пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилиши ҳолларининг ўз вақтида олдини олиш бўйича ишларнинг аҳволи учун шахсан жавоб бериши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

2. Терилган пахта хом ашёсининг қабул пунктларига ҳар куни топширилиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

Пахтачилик хўжаликлари ва қабул пунктлари раҳбарлари пахта хом ашёсининг тўсиқсиз ва узлуксиз топширилиши ва унинг зарур даражада сақланиши учун шарт-шароитларни таъминласинлар.

Терилган пахта хом ашёсининг ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган жойларда, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланиши тақиқлансин.

Терилган хом ашёнинг қабул пунктларига ўз вақтида топширилмаганлиги, пахта ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланганлиги учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса - етти баравари миқдорида жарима солинади. Қонун бузилиши такрорланган тақдирда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса -ўн баравари миқдорида жарима солинади.

(Давоми 2-бетда)

**ЎЗБЕКИСТОН-ГРУЗИЯ:**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябр кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.***

***Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифга катта тайёргарлик кўрган - аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислом Каримовнинг сурати ва «Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.***

Президентларнинг Крцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиш ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислом Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислом Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислом Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини таклиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидаги бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қиляпти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи карвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транпорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой экспорт қилиш мумкин. У ёқдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислом Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатлари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислом Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти - «Охрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини равнақ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Тбилиси-Тошкент.**

# КЎСАК КУНЖАРА ЭМАС

***Бугунги кунда мамлакатимизда пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин паллага кирган. Неча ойлар давомидаги машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ширкат хўжаликлари, фермерлар давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режаларини муваффақиятли уддалаш учун бор имкониятларини ишга солганлар.***

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Етиштирилган ҳар бир мисқол пахта учун деҳқоннинг қанчадан-қанча меҳнати сингган. Эрта кўкламда яхши ният билан чигит қадаган деҳқон куздаги ҳосилининг натижасидан қанчалик умидвор. Режа бажарилса ҳам маънан дили қувончга тўлади, ҳам моддий топган даромадидан рўзғорига барака киради. Оқ пахтанинг машаққати ҳам, роҳати ҳам борлигини уста деҳқонлар яхши билишади. Пахта бу халқ, мамлакат бойлиги. Унинг нест-нобуд бўлишига, талон-тарож қилинишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 сентябрдаги "2003 йил пахта хом ашёсининг сақланишини таъминлаш, нобуд бўлиши, талон-тарож қилиниши ва қонунга зид ҳолда республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ҳақида"ги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори айнан пахта хом ашёсини ўз вақтида йиғиштириб олиш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка қаратилган.

Афсуски, деҳқон ризқига кўз олайтирганлар, оқ пахтани қора ниятлари учун ишлатмоқчи бўлганлар, ҳосилни йиғиштириб олишга масъулиятсизлик билан қараётганлар учраб турибди. Шунинг учун ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ана шу Фармойиш ва Қарорнинг ижроси юзасидан назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**ҲУҚУҚ**

***Ер ресурслари – ишлаб чиқариш жараёнининг асосий манбаи, фаровонлигимизни таъминлашнинг бошланғич моддий негизи ҳисобланади.***

Шундан келиб чиқиб, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар меъёрларини ишлаб чиқиш, ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш жамият ҳаётида энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

# ЕРЛАРНИ КИМ МУҲОФАЗА ҚИЛАДИ?

Бош қонунимиз – Конституциянинг 55-моддасида ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир, деб белгиланган бўлиб, ерга оид муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлайди.

(Давоми 2-бетда)

# БИОСФЕРА ҲУДУДИ ЯРАТИЛАДИМИ?

***Жаҳон глобал экология жамғармаси, БМТнинг ривожлантириш дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзаро ҳамкорликда беш йилга мўлжалланган (2001-2005 й.), қиймати 895 минг АҚШ долларилик муҳим биоэкологик лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.***

**ЖАРАЁН**

Бу лойиҳа юртимиз табиатини муҳофаза қилиш, халқимизнинг тарихий ва маданий бой меросини сақлаш, маҳаллий аҳолининг анъаналарини, иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳалаштирилаётган "Нурота – Қизилқум" биосфера ҳудудида биологик хилма-хилликни, ландшафтларини ва экологик тизимларини муҳофаза қилиш, экологик барқарор иқтисодий ва ижтимоий йўналишларни ривожлантириш, экологик таълимни, илмий изланишларни ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Айни пайтда мамлакатда фаолият кўрсатаётган алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар уч тоифага бўлинади. Булар – давлат қўриқхоналари ва миллий боғлар, давлат буюртма қўриқхоналари ва табиий ёдгорликлар ҳамда сув ва курорт теграларири, реакрация ҳудудлари, ботаника, зоология боғлари. Маълумотларга кўра, алоҳида муҳофаза этиладиган мазкур ҳудудларнинг умумий майдони 1 миллион 355 минг гектарни ташкил этади.

Ҳозирда Навоий вилоятида "Сармиш" миллий боғи (майдони 5 минг гектар) ҳамда "Оқтоғ" буюртма қўриқхонаси (майдони 15420 гектар) ташкил этилган.

Лойиҳа халқаро қонуний асосларга эга бўлиб, бу ЮНЕСКО "Инсон ва биосфера" (МАВ) миқёсида тан олинган, қўриқланадиган ер усти, ер ости ва қирғоқ бўйи сув экосистемаларига эга бўлган табиий ҳудудлардир. Шу ўринда мавжуд қўриқхоналар билан биосфера ҳудуди ўртасида қандай фарқ бор, деган савол туғилиши табиий. Қўриқхоналарда табиий экосистемалар инсоннинг бевосита таъсирисиз муҳофаза этилиб, бу ҳудудларда инсон фаолияти умуман тақиқланади.

(Давоми 2-бетда)

**МАВСУМ**

***Президентимизнинг Сариосиё тумани пахтакорларига юборган табрик хатида ҳар қандай шароитда ҳам ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмайдиган изланувчан ва ташаббускор инсонларгина юксак марраларни эгаллашга қодир, деган пурҳикмат сўзлар бор.***

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги учун оғир келган бу йилги шароитда Андижон

# ЧИНОБОД ТОЛАСИ

вилояти пахтакорларининг ҳам фикри-зикри не-не заҳматлар эвазига дунёга келган "оқ олтин"имизнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишда. Донолар, гул термоқ учун тикан заҳрини тортмоқ лозим, дейдилар. Ҳа, машаққат чекмаганга, роҳат муяссар бўлмайди.

(Давоми 3-бетда)

# ИБН СИНО ВА НОТИЛИЙ

***"У менга қайси масала ҳақида гапирмасин, мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим. Ниҳоят мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишида ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у бехабар экан", дея ёзганди Ибн Сино ўз устози Абу Абдуллоҳ Нотилий тўғрисида.***

**МОЗИЙ**

Шарқда "Шайх-ур-раис", Ғарбда эса "фалсафа князи", "табиблар султони" дея шуҳрат қозонган Ибн Синонинг ўз устози ҳақидаги бу фикрлари такаббурлик эмас, айни ҳақиқат эди. Негаки, Ибн Синодаги илмга ташналикни Нотилий ҳам сезган ва ўзи "бисотимдаги бор билимни унга ҳадя этиб бўлдим", деб тан олганди.

Зеро, ўн ёшда "Қуръон"ни, араб адабиёти ва риёзиётни пухта эгаллаган Ибн Сино, айнан Нотилий мураббийлиги остида ундан астрономия, фалсафа илмидан сабоқ олган, Арасту ва Евклид каби юнон олимлари асарлари билан танишганди. Шу билан бирга Ибн Сино бухоролик машҳур аллома Исмоил Зоҳиддан ҳам фиқҳ илмини ўрганганди.

Кейинчалик, ёш олим ўн беш ёшга тўлганида устози Нотилий Гурганжга кетиб илм билан шуғулланади. Милодий 995 йилда бўлган бу воқеа Ибн Синога катта таъсир қилади. Аммо у устози Хоразмга кетганидан кейин бор кучини тиббиёт илмини ўрганишга бағишлади. Бу борада унга ўша замоннинг буюк олимлари Абдул Мансур Қамарий ҳамда Абу Саҳл Масиҳийлар катта ёрдам беришди. Натижада у атиги 2-3 йил ичида тиб илмида беназир табиб даражасига етишиб, кўплаб беморлар дардига даво топди. Айниқса, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурни оғир хасталикдан фориғ қилгани, унинг ҳаётида катта ўзгариш ясади. Негаки, шу воқеа сабаб, Ибн Сино Амирнинг ғоятда бой кутубхонасига киришига имкон туғилди.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҚОРАМУНЧОҚ | БУЗИЛГАН "СЦЕНАРИЙ" | ХИЁНАТ

# 2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Жарима солиш мазкур ҳолатлар содир этилган жойдаги ички ишлар органлари томонидан маъмурий жазолаш тартибида амалга оширилади.

Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-тарож қилиш, уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) терилган пахтанинг сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, профилактика ишларини фаоллаштирсин ва қонунни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда қаттиқ чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) пахта хом ашёсининг сақланишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат тузилмаларини ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, пахтанинг талон-тарож қилинишига қарши кураш бўйича, шу жумладан ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёритиш йўли билан олдини олиш ва профилактика ишларини фаол амалга оширсин.

«Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), оммавий ахборот воситалари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков ва Т.Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 октябрь

# Кўсак кунжара эмас

(Боши 1-бетда)

Ўтказилган назорат тадбирларда Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари билан чегарадош бўлган айрим ҳудудларда пахта хом ашёсини ўғирлаб, қонунга зид ҳолда республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетишга бўлган уриниш ҳолатлари аниқланган.

Жумладан, Наманган вилояти, Норин туманидаги "Тўда" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи вояга етмаган А.Мирзаев томонидан А.Шамсиддинов номли ширкат хўжалигининг пахта майдонларидан 250 килограмм терилган пахта хом ашёсини сотиш мақсадида ҳовлисига яшириб қўйилганлиги ҳолати юзасидан 2003 йилнинг 27 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, терговъ ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудида жойлашган Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги "Дадажон полвон" ва И.Шерматов номли фермер ҳамда Бўка туманидаги "Қашқадарё", Улуғбек, Т.Ражабов номли ширкат хўжаликлари раҳбарлари туман прокурорлари томонидан қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган.

Моддий манфаатдорлик бор жойда иш муваффақиятли бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Пахта тераётган теримчиларга ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлса-да, ўтказилган назорат тадбирларида бу борада бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги "Дўстлик байроғи" ширкат хўжалигида 1,2 миллион сўм, "Деҳқонобод" ширкат хўжалигида эса 1,1 миллион сўмлик иш ҳақлари ҳашарчиларга берилмаганлиги ҳолатлари юзасидан хўжаликлар бошқаруви раислари Л.Бозгуланова ва К.Оразимбетовлар туман прокурори томонидан қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилганлар.

Шунингдек, айрим пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктлари ҳамда қуритиш-тозалаш цехлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, пахта териш машиналари, транспорт тракторлари, тиркамалар, махсус жиҳозланган юк автомобиллари ҳамда ҳашарчиларнинг овқатланиш ва дам олиш жойларини тайёрлашда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Хусусан, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги "Хумор" пахта қабул қилиш корхонасида ёнғинга қарши кураш воситалари ҳамда ўт ўчириш насослари таъмирланмаганлиги ва электр симлари ҳимояланмаганлиги учун корхона мудири Б.Сафаров маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги "Когон", Пешку туманидаги "Дўстлик" ва "Туркистон" ширкат хўжаликларининг трактор ҳайдовчилари М.Худойбердиев, Х.Тоғаев ва Д.Ариповлар бошқарувидаги "МТЗ-80" русумли тракторлари ёнғинга қарши кураш мосламалари билан таъминланмаганлиги ва учкун сўрғич ўрнатилмаганлиги учун туман прокурорлари томонидан уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Х.Хўжақулов номли ширкат хўжалигида теримчилар учун шарт-шароитлар яратилмаганлиги ҳамда Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида ҳашарчи-теримчилар учун ичимлик суви ва иссиқ овқат ташкил қилинмаганлиги учун хўжаликлар бошқаруви раиси Ю.Аҳмедов ҳамда бош пудратчилар Э.Эргашев ва И.Жияновларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди.

Шу каби қонунбузилиш ҳолатларига Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам йўл қўйилган.

Ўтказилган назорат тадбирларида айрим қишлоқ хўжаликларида пахта нобудгарчилигининг олдини олиш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўз туманидаги "Озод" ширкат хўжалигида, Шаҳрихон туманидаги "Бўстон" ширкат хўжалигида пахта хом ашёсини териш ва ташиш жараёнида ерга тўкилиб, исроф бўлишига йўл қўйилган.

Пахта ҳосилини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш ва пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётган бўлишига қарамай, айрим хўжаликларда пахта майдонлари пайҳон қилинишига йўл қўйилган. Хусусан, Жалақудуқ туманидаги "Ойим" ширкат хўжалигининг 0,02 гектар пахта майдони фуқаро О.Толиповнинг 1 бош, Хатирчи туманидаги К.Раҳматов номли ширкат хўжалигининг 0,06 гектар пахта майдони фуқаролар Э.Хўжақулов ва Г.Рўзиеваларнинг 2 бош, Наманган туманидаги "Ғайрат" ширкат хўжалигининг 0,01 гектар пахта майдони фуқаро Қ.Эргашевнинг 1 бош, Чуст туманидаги "Сабзазор" ширкат хўжалигининг 0,1 гектар пахта майдони фуқаро М.Аҳмаджоновнинг 1 бош йирик шохли чорва моллари томонидан пайҳон қилиниб, хўжаликларга 43 минг сўмлик зарар етказилганлиги ҳолати юзасидан туман прокурорлари томонидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 104-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган ва етказилган зарар ундирилиши таъминланган.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан ғўза кўсакларини чорва молларига озуқа сифатида бериш учун қасддан юлиб кетиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Хусусан, Фарғона вилояти, Данғара туманидаги "Данғара" ширкат хўжалигининг пахта майдонидан 6 килограмм кўсак фуқаро У.Тўхтабоев томонидан узилганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 61-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Прокуратура органлари томонидан мазкур Фармойиш ва қарор ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ваколатли мансабдор шахслар ва идораларга 259 та тақдимнома киритилган, 1399 нафар мансабдор шахслар қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган, 347 та ходим интизомий, 523 шахс маъмурий ва 90 нафари моддий жавобгарликка тортилган, 1 миллион 978 минг сўм моддий зарарлар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган, жавобгар шахслардан 6 миллион 163 минг сўм моддий зарарларни ундириш юзасидан судга 14 та даъво аризалари киритилган, 17 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Республикамиз деҳқонларининг йиғиштириб олган пахтаси бир миллион тоннадан ошди. Пахта мавсумида иштирок этаётган ҳар бир фуқаро ўз ишига масъулият билан ёндошса, халқ бойлигини асрабавайласа, режадаги пахта хирмони юксалиши шубҳасиз.

**Акмал АСРОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим прокурори.**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ҚАЙТАР ДУНЁ

***Тошхон аянинг тушига ўн беш йил бурун вафот этган онаси кирди. Ая чўчиб уйғониб кетди.***

"Босинқирадим шекилли", деб ўйлаб ёстиққа қайта бош қўйди. Кўзи илиниши билан туши уланиб,яна онасини кўрди. Онаси унга юзини тескари ўгириб олиб, "Салима келининг қани? Мени рози бўлсин десанг уйингга обке! Сен билан ўшанда кўришаман", дерди нуқул ...

...Салима унинг ёлғиз ўғлига олиб берган биринчи келини эди. Узоқ қариндошларининг қизи бўлиб, совчиликка онасининг ўзи борган эди. Ўғли билан жуда аҳил яшашди, кетма-кет учта фарзанд кўришди. Бўйга етган қизи хархашалари билан келинига кўп озор берди. Қуда тараф ориятли экан, ҳадеб учта боласи билан қувилаверган қизини бир сафар қайтариб жўнатмади.

-Ҳечқиси йўқ.Ёлғиз ўғлимга яна онаси ўпмаганидан олиб бераман. Ҳали ёш, бели тўла бола, - деди Тошхон ая.

Биринчи қуда томон билан орани очиқ қилмай, ўғлининг раъйига ҳам қарамай тўйни бошлаб юборди. Айтганидай ўғлига сал ўтириб қолган бир қизни олиб берди. Келини ҳам ёмон чиқмади, лекин худо фарзанд бермади. Саккиз йилча яшаб, шу сабаб билан ажрашишди. Онаси яна "Салима келинимни олиб ке, невараларим уволига қолдинг", деди. Йўқ, яна онасининг айтганига юрмади. Бу гал ўғлига эрдан чиққан битта болали жувонни олиб берди. Бу жувоннинг қўли сал қинғирроқ экан, кўп нарсани ота-онасиникига ташиб юборди. Шу баҳона ўғлига бу хотинини ҳам қўйдиртириб юборди. Мана уч йилдирки, ўғли сўққабош. Ичкиликка берилиб, ёш бўлса-да сочлари оқариб кетди.

Онаси ҳам ундан рози бўлмай, гўрида нотинч экан-да. Эртаси саҳармардонда Тошхон ая биринчи келини Салиманикига йўл олди. Қудалар Салиманинг ўзига ҳавола қилишди. Келини невараларига йиғлаб-сиқтаб тавба қилиб, розиликларини олди. Кечга яқин уйларига биринчи келини, бўйга етиб бораётган учта невараси билан шоду хуррам кириб келишди. Уларни кўриб ўғлининг анчадан бери ёришмаган юзи ёришиб кетди. Келини тезда уй ичкарисига кириб кетди. Ортидан ўғли ҳам...

Орадан икки ойча вақт ўтди. Хонадон файзли бўлиб кетди. Тошхон ая энди ҳар тун, "онам мендан рози бўлдимикан?" дея минг шукр билан худодан онасининг дийдорини кўрсатишини сўраб ёстиққа бош қўяди.

**Холиқ НАЗАР**

## "ЎЛИК"НИНГ БЕНЗИНИ

***Сентябр. Сурхондарёда бензин тақчил. Гоҳо бир литри минг сўм. Йўлда ёқилғисиз тўхтаб ётган машиналарни айтмайсизми? Қийин пайтда ҳамма ҳам йўл излайди. Баъзилари чорасини топади, баъзилари...***

Тўхтамурод ёнида, Файзулла рулда. Термиздан Сариосиёга жўнашди. Ана машмаша. "Заправка"ларда бензин йўқ. Резина ичак ўраб ташланган. Яна озгина юришса ёқилғи тугайди. Ким додини эшитади? Эндигина Қумқўрғондан ўтиб, Шўрчига етай дейишаяпти. Ҳали йўл узоқ. Етиб бормаса бўлмайди. Файзулланинг отаси 90 ёшга кирган. Бугун кечқурун тўй бошланади...

Ногаҳон... рўпарада бир машина – "Тико" бир "Жигули"га бензин бераяпти. Тўхташди.

-Қаерда бензин бор, ака? – деди Файзулла.

"Тико"чи қўли билан кўрсатди:

-Икки километр юрсангиз "заправка" бор. Сотаяпти. Лекин юздан кўп машина "очеред"да турибди. Тез боринглар, тугаб қолади...

Сал юриб Файзулланинг хаёлига бир фикр келди:

-Тўхтамурод!

–Ҳа-а-а? – машина тўхтади. Файзулла деди:

-Мен ўлик... Жағимни бойла... Оқ этакни устимга ёп... Йиғламсирайсан... больнисада тўсатдан ўлиб қолди, дейсан. Бензин олишнинг йўли шу...

Шундай қилишди... Файзулла орқада "ўлиб" ётибди. Тўхтамурод "йиғлайверди"...

-Акажон... "больнисада ўлиб қолди... Озгина ёрдам қилинг!"

"Заправка"чи югурдак укасини юборди. У келиб жағи бойланган "ўлик"ни кўриб кўркиб кетди...

-Ўн литр олинг, бирон идишга... пули ҳам керакмас... Тез олинг... тез...

Катта йўлга чиқишди. "Ўлик" тирилди: "Ҳа-ҳа-а!"

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**



**Урганч шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари янги бинода фаолият кўрсатишмоқда. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган ушбу масканда зарур қулайликлар яратилган.**

**СУРАТДА: (чапдан) солиқ ходимлари Шуҳрат Бобоев ва Мўминжон Машариповлар.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

***Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Россиянинг "Ингосстрах" суғурта компаниясининг пойтахтимизда ваколатхонаси очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

## МИЖОЗЛАР КАФОЛАТИ ЙЎЛИДА

-Ўзбекистоннинг суғурта бозори катта салоҳиятга эга,-деди Ўзбекистондаги "Ингосстрах" ваколатхонаси раҳбари Рустам Тўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. –Бугунги кунда республикамиздаги суғурта бозорининг суръати МДҲ давлатлари ўртасида энг юқори ҳисобланади. Масалан, 2002 йилдаги суғурта мукофотлари йиғими аввалги йилларга нисбатан 38 фоизга ўсди. Ўзбекистон суғурта ва қайта суғурта бозори тузулмасининг катта улуши суғуртанинг ихтиёрий турига тўғри келади. "Ингосстрах" ваколатхонасининг очилишининг асосий мақсади, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, амалий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, уларни кафолатлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, "Ингосстрах" тармоғи ўз навбатида суғурталашдаги жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Россиянинг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Республикамизда юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, нефт ва газ саноати, энергетика, ирригация ва сув таъминоти соҳаларида икки давлат компаниялари ўртасида алоқалар яхши ривожланган. Шунингдек, ҳарбий-техникавий, енгил саноат соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда.

"Ингосстрах"нинг жаҳон бозорида фаолият юритаётганига ярим асрдан ошди. Компания тажрибасини ўрганиш, республикамизда татбиқ қилиш, янги суғурта турларини мижозларга таклиф қилиш иқтисодимиз ривожида ўз самарасини беради.

-Компаниямизда мижозлар учун терроризмдан кафолатлаш турини жорий қилганмиз,-деди "Ингосстрах" раҳбари А.Загорский. –Бу турдаги суғурта миқдори 20-25 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил қилади.

**"Туркистон-пресс"**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

***ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ/. Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда Қорақалпоғистон аҳолисининг 35,7 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ушбу ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари доирасида амалга оширилмоқда. Бу борадаги қоидаларни амалиётга татбиқ қилиш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ижроия қўмитасининг қарори асосида тузилган Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш маркази келажак авлодга ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш изчил давом этяпти. Таълим муассасалари учун янги бинолар қурилмоқда, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. Таълим муассасаларини педагог кадрлар, дарсликлар, ўқув жиҳозлари билан таъминлашда яхши кўрсаткичларга эришилаётир.

## КУЗ КЕЧИККАННИ КЕЧИРМАЙДИ

***Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилиш воҳа пахтазорларида етиштирилган ҳосилни тез ва соз, нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш масаласига бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.***

Вилоят далаларида 410 минг тонналик улкан хирмон бунёд этишга етарли ҳосил бор ва уни қисқа муддатларда саранжомлаб олишда имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бу йил ғўзанинг етилиши нисбатан кечикканини ҳисобга олиб, барча майдонларни тўлиқ дефолиация қилиш тавсия этилган эди. Лекин Қарши, Ғузор, Қамаши, Яккабоғ туманларида бу тадбир сифатсиз ўтказилиб, вақт бой берилмоқда.

Йиғилишда барча туманларда ғўза дефолиациясини 15 октябргача тугаллаш, теримчи ва хашарчиларга қулай шароит яратиб бериш, уларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, вилоятдаги мавжуд пахта териш машиналарини юксак унум билан ишлатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

# ЕРЛАРНИ КИМ МУҲОФАЗА ҚИЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

Хўш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати қандай?

Республикамиз шароитида ернинг шўрланиши тупроқ унумдорлигини кескин камайтириб юборади. Ўзбекистонда тупроқ шўрланишининг олдини олиш учун агротехника қоидаларига амал қилиш, ирригация ва мелиорация тадбирларини мунтазам ўтказиш талаб этилади. Умуман, суғориладиган ернинг 50 фоизидан кўп қисми у ёки бу даражада шўрланган. Муаммонинг кўлами турли минтақада ва вилоятларда турличадир, Амударё ва Сирдарёнинг юқори ҳавзаларида ернинг 10 фоизи шўрланган бўлса, қуйи ҳавзаларида бу рақам 80-90 фоизни ташкил этади. Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида шўрланиш анча кенг тарқалган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси маълумотларига кўра, бу вилоятларнинг 40-50 фоизи, Ўзбекистон бўйича эса қарийб 200 минг гектар ер юқори даражада шўрланган. Бунга собиқ иттифоқ даврида ерни оммавий равишда ўзлаштириш, шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз майдонларни ишга солиш сабаб бўлди.

Ер кодексида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган, унга кўра "қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларнинг шўр босиши ва захланишига, ерларнинг ва сув манбалари ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари шарт" (48-модда) дейилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ерларининг катта қисми (23 миллион га) яйловлардан иборат. Кейинги йилларда улардан мақсадли фойдаланмаганлиги сабабли эрозияга учрамоқда. Бунга сабаб чорва моллар ҳаддан ташқари кўп қўйилган, фитомелиорация тадбирлари ўтказилмайди, натижада чорва озиғи камайиб кетмоқда. Ваҳоланки, қонунларимизда ердан фойдаланувчилар пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатларини яхшилашлари шарт қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Таҳлилий назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси маълумотларига кўра, собиқ иттифоқ давридан қолган қишлоқ хўжалик аэродромлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири 5-10 гектар майдонни эгаллайди. Бу аэродромлар тупроғидан олинган намуналар таҳлил қилиб кўрилганда юқори даражада ифлосланганлиги маълум бўлди. Бундай аэродромлар республикада 461 та бўлиб, у ерда деҳқончилик қилиш, айниқса, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш қонун билан ман этилган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб кимёвий препаратлар ишлатиш тартибга солинган. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Тупроқларимизни ифлослайдиган яна бир манба-саноат корхоналаридир. Бухоро вилоятидаги 32, Андижон вилоятидаги 67, Навоий вилоятидаги 20, Сурхондарё вилоятидаги 27 корхонадан таркибида углерод оксиди, азот оксиди, аммиак чанги билан атроф-муҳит ва далаларимизни ифлослаётганлиги аниқланган. Бу корхоналардаги чанг ютгичлар етарли қувват билан ишламайди, уларнинг кўпчилиги эскириб қолган.

Бундай хўжасизлик ва қонунга зид ҳаракатлар суғориладиган ерларнинг унумдорлигини пасайтириб юборади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун алмашлаб экишни кенг жорий этиш, ерлардан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилишга оид талабларни бажариш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда оқова сувлари билан ифлосланишига йўл қўймаслик, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирмаслик талаб этилади. Бу талабларни бажармаган мансабдорлар, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига асосан тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади ва жазо чоралари қўлланилади, етказилган зарарни қоплаш бўйича уларга даъволар тақдим этилади.

Республикамизда муҳофаза қилинаётган ерларнинг табиий унумдорлиги ҳисоблаб чиқилган. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, ернинг асосий сифат кўрсаткичи унинг унумдорлиги бўлиб, у тупроқнинг бонитети орқали аниқланади. Тупроқ бонитировкаси – унинг сифатининг қиёсий баҳоси, деҳқончиликнинг ўртача агротехника шароитидаги унумдорлик даражасини кўрсатади. Бонитет балл (100 балли шкалада) бўйича ҳисоблаб чиқилганда, республика бўйича ўртача 59 баллни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик ерларини қонунда белгиланган тартибда муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда давлат идоралари назоратини кучайтириш, барча кўринишдаги қонунбузарликларни аниқлаб, уларга тегишли баҳо бериш – ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув, шамол, эрозияси агрохимикат ва оғир техникалар натижасида тупроқ қатламининг емирилишининг олдини олишга қаратилган қоида-талабларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Р.КЕНЖАЕВ,**
**ТДЮИ аспиранти.**

# БИОСФЕРА ҲУДУДИ ЯРАТИЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Биосфера ҳудудида эса табиий экосистемалар ва маданий ландшафтлар муҳофаза қилинади. Муайян миқёсда инсон фаолиятига рухсат берилади. Бу ерларда аҳоли яшайдиган пунктлар ҳисобга олиниб, табиий ресурслардан фойдаланишда улар фаол қатнашадилар.

Биосфера ҳудуди муҳофаза қилиш ва ердан фойдаланиш даражасига қараб уч минтақага бўлинади. Қўриқхона минтақаси, муҳофазалаш минтақаси ва ривожлантириш минтақаси. Уларнинг умумий майдони – 1 миллион 71 минг гектар (ҳозирча тахминий). Бу биосфера ҳудудига Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари майдонларининг бир қисми киради.

Учала минтақанинг ўз олдига қўйган алоҳида вазифалари бўлиб, улар фақат маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда ва уларнинг фаол иштирокидагина амалга оширилиши мумкин.

Лойиҳалаштирилаётган биосфера ҳудудига Нурота туманининг "Нурота", "Қизилча", "Ўзбекистон" ҳамда Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжаликлари ерлари ва Конимех туманининг Абай номли наслчилик ширкат хўжалиги ерлари киритилиши мўлжалланмоқда. Шунда жами майдон 277 минг гектарни ташкил этади.

Ташкил этилаётган "Нурота-Қизилқум" биосфера ҳудудининг лойиҳасини амалга оширишда Навоий вилояти ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини қўриқлаш давлат инспекцияси ҳамда вилоят "Жонли табиат" биоэкологик жамоат маркази, хусусан, Нурота ва Конимех туманлари аҳолиси фаоллик кўрсатишса айни муддао бўларди.

**Эшмамат ТОҒАЕВ,**
**биология фанлари номзоди.**

## ЯНГИ ЛУҒАТ

***Тошкент (ЎзА мухбири Н.Усмонова). Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан иқтисодий таълим ва ривожланиш соҳасидаги лойиҳа доирасида «Иқтисодий атамаларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги луғати» чоп этилди.***

Ушбу луғатни тайёрлашга иқтисод ва филология соҳасидаги таниқли мутахассислар жалб этилди.

Луғат кўп ишлатиладиган 5 мингга яқин иқтисодий атама ҳамда иборани ўз ичига олган. Мазкур иқтисодий луғатнинг ўзига хос томони шундаки, ўзбек тилидаги сўз ва иборалар кирилл ҳамда лотин алифбосида берилган. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад замонавий иқтисодий атамаларни тўлиқ ифодалашдан иборат.

Мазкур нашр иқтисодиётнинг турли жабҳаларида ишлаётган мутахассислар, шу жумладан ташқи савдо соҳаси ходимлари, иқтисодий олий ўқув юртлари ва факультетлари ўқитувчилари, талабалари, тадбиркорлар ҳамда таржимонлар учун мўлжалланган.

# ЧИНОБОД ТОЛАСИ

(Боши 1-бетда)

Андижонда ҳам зафар маррасига яқинлашаётган туманлар сони кўпайиб бораётир. Балиқчи нафақат вилоятда, балки бутун мамлакат миқёсида ҳам энг кўп пахта етиштирадиган туманлар сирасига киради. Ўтган йили балиқчиликлар 43 минг 473 тонна пахта хом ашёси етиштиришганди. Бу режанинг 120 фоиз бажарилганидан дарак. Туман бўйича етиштирилган пахта хом ашёсининг 87 фоизи биринчи навларга сотилди.

Бу туман хўжаликлари иқтисоди мустаҳкамланиши учун омил бўлди. Туманда етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни қайта ишлашни сифатли амалга ошириш нақадар муҳим эканини ҳис қилган "Чинобод" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида мавсумга пухта ҳозирлик кўрилгани қўл келаяпти. Корхонага қарашли "Ўрмонбек", "Бўстон" ва Балиқчи пахта тайёрлов масканларида қабул ишлари куну тун давом этаётир. Бу йил пахта тозалаш корхонаси хўжаликлар ва фермерлар билан 36 минг 225 тонна пахта хом ашёси қабул қилиб олиш учун шартнома тузган.

Ўтган йили жамиятда 326 миллион 580 минг сўмлик реконструкция ишлари бажарилиб, сифатли ва меҳнат унумдорлиги юқори ускуналар тўлиқ монтаж қилинди. Технология юқори унумдорлик билан ишлатилгани боис маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва рентабеллик юқори бўлишига эришилди.

Ҳиссадорлик жамияти раиси Козимжон Курбонов билан корхонани айланамиз.

-Қайси жабҳада бўлмасин, тежамкорлик билан иш олиб бориш, иқтисодий ўсишнинг омилидир, - дейди ҳамроҳимиз. – Корхонамизда 2002 йил ҳосилидан бир тонна чигитли пахтани тайёрлаб олиш учун 7 минг 744 сўм харажат қилиниши кўзда тутилган. Амалда эса бу харажат миқдори 5 минг 897 сўм 25 тийинга тушди. Тайёрлов харажатларининг ўзидан 80 миллион 288 минг сўм иқтисод қилишга эришилди.

Тизимда тола чиқиш миқдори муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда асосий маҳсулот ҳисобланган тола чиқиши миқдори режадаги 32,65 фоиз ўрнига 33,05 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткични мамлакатдаги шундай корхоналарга қиёсласак, ниҳоятда қувончли натижадир. Ишлаб чиқарилган толанинг қўшимча фоизига кўра 520 тонна пахта хом ашёсининг иқтисод қилинишига эришилди.

Ўтган йили корхонада 7 миллиард 717 миллион 946 минг сўмлик сифатли маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Энг қувончлиси, истеъмолчиларга юборилган маҳсулотлар сифатига бирор марта ҳам эътироз бўлмади.

Корхона ҳисобчиларидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган йил натижалари бўйича 33 миллион 318 минг сўм соф фойда олинди. Ҳиссадорлар қўлидаги бир дона юз сўмлик акцияси учун 134 сўмдан дивиденд олишди. Ҳиссадорлик жамиятида дивиденд ва ойлик маошлар миқдори йилдан йилга ортиб бораётир. Жорий йилнинг тўққиз ойи натижаларини таҳлил қилсак, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 47 минг 650 сўмни ташкил этади.

Кейинги йилларда раҳбарларнинг саъй-ҳаракати билан корхона тўлиқ реконструкция қилинди. Ҳиссадорлик жамияти ҳудуди сифатли қилиб асфальтланди, боғу-роғлар яратилди. Икки минг тонна толани сақлашга мўлжалланган янги омбор биноси қад ростлади. Тайёрлов масканлари атрофи тўлиқ девор билан ўраб чиқилди, ҳудудлари асфальтланди. Ишчилар учун замонавий ҳаммом қурилди. Маъмурий бино таъмирланди. Олтмиш ўринли ошхонада турли хил мазали иссиқ овқатлар тайёрланаётир. Уч сменада меҳнат қилаётган ҳиссадорларга бир маҳал иссиқ овқат бепул берилаётир.

Бу йил 19 та ширкат хўжалиги ва 527 та фермер хўжалиги билан пахта хом ашёси қабул қилиш юзасидан шартномалар тузилган. Масалан, "Намуна", "Шераличек" ширкат хўжаликлари шартномавий режаларини вилоятда илғорлар қаторида уддаладилар. Муҳими, улар топширган пахта хом ашёсининг деярли ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинди. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, биргина "Намуна" ширкат хўжалиги ўтган йили йиллик режага нисбатан 130 фоиз ҳосилни биринчи навга топширганди. Бобур номли, "Жайрон-1", "Ҳаким ота", "Муҳаммад Бобир" фермер хўжаликлари азаматлари ҳам энг илғорлар қаторида режадан ортиғи билан юқори навларга пахта хом ашёси етиштириб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Ҳиссадорлик жамиятида ўз ишининг усталари кўп. Ускуналарни таъмирлаш бўлими электр пайвандчиси Мирзали Ражапов, биринчи ишлаб чиқариш бригадаси қуритиш-тозалаш бўлими созловчиси Заҳириддин Раҳмонов, тайёр маҳсулот бўлими чигит юкловчиси Муҳиддин Раҳимов, учинчи ишлаб чиқариш бригадаси ускуналарни созловчиси Шарифжон Мамадалиев, корхона қошидаги тайёрлов маскани механиги Нозим Хожимуродов, технологик лаборатория мудири Зина Худойбердиевалар ўзларининг ҳалол ва самарали меҳнатлари билан олқиш олишаётир.

Қаердаки, инсон омилига эътибор берилса, ўша даргоҳда ишлар баракали бўлиши ҳаёт тажрибасидан маълум. Жамиятда ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва маънавий руҳлантириш борасида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилди. Бепул иссиқ овқат, махсус ишчи кийимлари, сут ва сутли маҳсулотлар билан таъминлаш учун 9 миллион 286 минг сўм маблағ сарфланди. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган гўшт ва сабзавот маҳсулотлари ишчи-хизматчиларнинг иссиқ овқати учун сарфланмоқда. Мавсум олдидан ҳамма ишчи-хизматчилар корхона ҳисобидан саёҳатларга бориб, дам олиб қайтдилар.

Корхона раҳбари Козимжон Қурбоновнинг сўзлари ёдга тушади: "Ҳар биримиз эртанги кунимизни яхшилаш мақсадида замон талаб қилаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун заҳмат саҳросидан чўчимай астойдил меҳнат қилишимиз лозим". Ҳа, у ҳақ гапни айтди.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" махсус мухбири.**

# САМАРҚАНДЧА УСУЛ

***Боёвут туманидаги Ўктам Бойжонов фермер хўжалиги даласида вилоят ғаллакорларининг кўргазмали-амалий семинари бўлиб ўтди.***

Унда деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари, МТП раҳбарлари, туман ҳокимлари ва вилоят бошқарма бошлиқлари иштирок этишди.

Бу йил сирдарёликлар ғўза қатор ораларига ғалла экиш, суғориш ва уни парваришлаш бўйича Самарқанд технологиясини амалда қўллашмоқда. Чунки самарқандлик ғаллакорлар икки йил давомида айнан шу усулни қўллаб, ҳосилдорликни 23 центнердан 53,2 центнерга етказишди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

# ҚЎНҒИРОТДА ШОЛИ МЎЛ

***Қўнғирот тумани шоликорлари давлатга 9800 тонна "қирмизи дон" топширишиб, йиллик шартномани уддалашди.***

Устюрт этакларига туташиб кетган Кўкдарё, Равшан, Хоразм ва Ажиниёз номидаги ширкат хўжаликларида шоли ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига 50 центнердан ошди.

Туман шоликорлари 1 минг 250 тонна уруғлик шоли тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган маҳаллий ва хорижий сармоядорлар диққатига!

**Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги 350-сонли "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2003 йил 4 сентябрдаги 382-сонли "Паррандачиликда монополиядан чиқариш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан тугатилаётган "Ўзбалиқ" акциядорлик компанияси ва "Ўзпаррандасаноат" уюшмасининг таркибига кирувчи хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав жамғармаларидаги давлат улушлари ва акция пакетларининг биржа ва биржадан ташқари бозорларда асосан жисмоний шахсларга ва хорижий инвесторларга "Тошкент" Республика фонд биржасининг биржа савдолари (электрон биржа савдолари) орқали сотилишини маълум қилади.**

Мазкур акциядорлик жамиятлари устав фондидаги давлат улуши ҳисобланган акция пакетларининг бошланғич сотилиш баҳолари тўғрисида маълумотларни "Тошкент" Республика Фонд биржаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, "Давинком" инвестиция фирмаси, Давлат мулк қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг қуйидаги телефон рақамлари ва Қўмитанинг веб-сайтига (www.spc.gov.uz) мурожаат қилган ҳолда олишингизни билдиради:

| Мурожаат қилиниши лозим бўлган идоралар | Телефон рақамлари |
|---|---|
| "Тошкент" Республика Фонд биржаси | 136-07-40, 136-76-35 |
| "Давинком" Давлат инвестиция фирмаси | 132-07-32, 136-09-16 |
| Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси | 139-22-50, 139-20-66 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси | 361-222-02-76, 222-02-86 |
| Давлат мулки қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси | 374-2-24-53-45, 24-24-76 |
| Давлат мулки қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармаси | 365-2-23-65-23, 23-74-31 |
| Давлат мулки қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси | 372-22-6-25-04, 6-51-89 |
| Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси | 375-2-21-01-19, 21-01-26 |
| Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси | 436-22-4-04-61, 4-92-32 |
| Давлат мулки қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси | 369-22-6-26-22, 6-44-39 |
| Давлат мулки қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси | 376-22-2-79-58, 2-79-34 |
| Давлат мулки қўмитасининг Самарқанд вилояти бошқармаси | 366-2-33-73-54, 33-03-02 |
| Давлат мулки қўмитасининг Сирдарё вилояти бошқармаси | 367-2-26-53-13, 26-53-15 |
| Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси | 373-22-4-29-61, 4-93-66 |
| Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси | 132-06-76, 136-06-05 |
| Давлат мулки қўмитасининг Хоразм вилояти бошқармаси | 362-22-6-16-55, 6-63-57 |

## "Тошкент" Республика фонд биржасининг савдолари орқали сотиладиган корхоналар РЎЙХАТИ

| № | Корхона номи | Ҳудуд | Сотиладиган давлат улуши (фоиз) |
|---|---|---|---|
| | "ЎЗПАРРАНДАСАНОАТ" УЮШМАСИ | | |
| 1 | "Қушчилик" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 2 | "Кият" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 3 | "Наврўз" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 4 | "Ниёзботир паррандачилик" АЖ | Андижон вилояти | 25,0 |
| 5 | "Пахтаобод паррандачилик" АЖ | Андижон вилояти | 25,0 |
| 6 | "Ойим паррандачилик" АЖ | Андижон вилояти | 25,0 |
| 7 | "Ғиждувон парранда" АЖ | Бухоро вилояти | 25,0 |
| 8 | "Бухоро" АЖ | Жиззах вилояти | 30,0 |
| 9 | "Ёрқўрғон" паррандачилик АЖ | Қашқадарё вилояти | 25,0 |
| 10 | "Оқ сарой" АЖ | Қашқадарё вилояти | 25,0 |
| 11 | "Истиқлол" паррандачилик АЖ | Қашқадарё вилояти | 25,0 |
| 12 | "Қизилтепа парранда" АЖ | Навоий вилояти | 25,0 |
| 13 | "Лочин" АЖ | Навоий вилояти | 25,0 |
| 14 | "Наманган парранда" АЖ | Наманган вилояти | 25,0 |
| 15 | "Уйчи парранда" АЖ | Наманган вилояти | 25,0 |
| 16 | "Фарғона наслли парранда" АЖ | Фарғона вилояти | 25,0 |
| 17 | "Боғдод парранда маҳсулотлари ИЧ" АЖ | Фарғона вилояти | 25,0 |
| 18 | "Бешариқ паррандачилик" АЖ | Фарғона вилояти | 25,0 |
| 19 | "Чимён парранда" АЖ | Фарғона вилояти | 25,0 |
| 20 | "Рўзмат Ғоипов" АЖ | Хоразм вилояти | 25,0 |
| 21 | Қўшкўпир "Паррандачилик" АЖ | Хоразм вилояти | 25,0 |
| | "ЎЗБАЛИҚ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ | | |
| 22 | "Нукусбалиқ" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 23 | "Мўйноқ балиқ-консерва комбинати" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 24 | "Қазақдарё балиқ" АЖ | Қорақалпоғистон Рес-каси | 25,0 |
| 25 | "Андижонбалиқ" АЖ | Андижон вилояти | 25,0 |
| 26 | "Бухоробалиқсаноатсотиш" АЖ | Бухоро вилояти | 25,0 |
| 27 | "Жиззахбалиқ" АЖ | Жиззах вилояти | 25,0 |
| 28 | "Қашқадарёбалиқчилик" АЖ | Қашқадарё вилояти | 25,0 |
| 29 | "Навоийбалиқчилик" АЖ | Навоий вилояти | 25,0 |
| 30 | "Наманганбалиқ" АЖ | Наманган вилояти | 25,0 |
| 31 | "Сирдарёбалиқ" АЖ | Сирдарё вилояти | 25,0 |
| 32 | "Янгиербалиқ" АЖ | Сирдарё вилояти | 25,0 |
| 33 | "Сурхонбалиқ" АЖ | Сурхондарё вилояти | 25,0 |
| 34 | "Балиқчи" АЖ | Тошкент вилояти | 25,0 |
| 35 | "Дамачи" АЖ | Тошкент вилояти | 25,0 |
| 36 | "Тошкентбалиқ" АЖ | Тошкент вилояти | 25,0 |
| 37 | "Чиноз омихта ем заводи" АЖ | Тошкент вилояти | 25,0 |
| 38 | "Урай" АЖ | Фарғона вилояти | 25,0 |
| 39 | "Бешариқбалиқ" АЖ | Фарғона вилояти | 16,4 |
| 40 | "Хоразмбалиқмаҳсулотлари" АЖ | Хоразм вилояти | 25,0 |
| 41 | "Айдаркўл" МЧЖ | Жиззах вилояти | 25,0 |
| 42 | "Балиқсавдо" МЧЖ | Самарқанд вилояти | 25,0 |
| 43 | "Самарқандбалиқ" МЧЖ | Самарқанд вилояти | 25,0 |

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ПЕРУДА АВТОБУС ҲАЛОКАТИ

***Перуда автобуснинг йўлдан четга чиқиб кетиши оқибатида 30 киши ҳаётдан кўз юмиб, бир неча йўловчи оғир тан жароҳати олди, дея хабар беради НТВ ахборот хизмати.***

Автобуснинг жуда катта баландликдан пастга қулаши натижасида айрим жасадлар таниб бўлмас даражада мажақланиб кетган. Устига-устак, қатнов йўлининг ёмонлиги ҳам қутқарув ишларини мураккаблаштирмоқда. Ҳозирда полиция вакиллари ҳалокат сабаблари хусусида аниқ тўхтамга эга эмас. Бироқ, мутахассислар ҳайдовчининг тезликни белгиланган кўрсаткичдан ошириб юбориши мазкур фожиага олиб келган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришмоқда.

## ИСРОИЛ ОРТГА ЧЕКИНМОҚЧИ ЭМАС

***Исроил Бош вазири Ариэл Шарон Исроил армиясининг қочоқлар лагерига уюштираётган ҳарбий ҳаракатларини оқловчи далиллар тополганини маълум қилди.***



Унинг таъкидлашича, якшанба кунги рейд чоғида учта уй остидан четдан қурол-яроғ олиб ўтишга ихтисослаштирилган махсус йўлаклар топилган. Бу эса шу ерда улкан ҳарбий салоҳиятга эга бўлган террористик қўшин тўпланаётганини билдиради, деб маълум қилган Ариэл Шарон ўз маърузасида. Шу боисдан Исроил ҳукумати ҳар қандай чет тазйиқларга қарамасдан, мамлакат ҳудудини террорчи гуруҳлардан озод қилишни давом эттиради.

## УЧУВЧИЛАР ИШ ТАШЛАШДИ

***Шанба куни Вена аэропортида австриялик учувчилар ўтказилаётган қисқартиришларга норозиликларини билдириб, иш ташлагандилар.***

Якшанба куни эса улар Амстердамга учиши лозим бўлган самолётни йўловчилари билан биргаликда гаровга олдилар."Новости" ахборот агентлигининг маълум қилишича, аэропорт маъмурияти учувчиларнинг бу ишини ҳаво қароқчилиги, дея баҳолаган. Ҳозирча эса маъмурият ва ишчилар ўртасида келишувга эришиш чорасини топиш осон кечмаяпти.

## МЕҲМОНХОНА ПОРТЛАТИЛДИ

***Якшанба куни Ироқ пойтахтидаги "Бағдод" меҳмонхонаси террорчилар томонидан портлатилди, дея маълум қилади "Новости" ахборот агентлиги.***



Маълум бўлишича, кундуз куни америкалик аскарлар ҳамда Ироқ бошқарув Кенгашининг айрим аъзолари жойлашган меҳмонхона ҳудудига портловчи модда билан тўлдирилган иккита автомобиль кириб келади ва уларнинг бири тўппа-тўғри меҳмонхона биносига бориб урилади. Бошқа бир манбада таъкидланишича, автомобиль иккита эмас, битта бўлиб, қўриқчи йигитларнинг тўхташ ҳақидаги ишорага бўйсунмаган ҳайдовчи томон ўқ узишлари натижасида бошқарувсиз қолган машина бино деворига урилади. Қандай бўлган тақдирда ҳам, мазкур теракт оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди ва бир неча ўн нафар одам тан жароҳатини олди.

## ХОТИРЛАШ МАРОСИМИ

***Ўтган йили 11 октябр куни Индонезиянинг Бали оролида содир этилган қўпорувчилик оқибатида йигирма мамлакатнинг фуқаролари саналмиш икки юздан ортиқ киши вафот этиб, юзга яқини тан жароҳати олганди.***

Шанба куни эса бу ерда қурбонларни хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу куни ороллик ва хотирлаш маросимида иштирок этиш учун чет эл мамлакатларидан келган меҳмонлар ёққан шамларнинг ёруғидан тун ҳам чароғон бўлди, дея хабар беради НТВ ахборот хизмати. Якшанба куни хотирлаш кечасида иштирок этиш учун ҳатто Австралия Бош вазири Жон Говард ҳам Балига расмий ташрифини амалга оширди. Эслатиб ўтамиз, теракт оқибатида ҳалок бўлганларнинг 88 нафари австралиялик туристлар эди.

**"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.**

## «ДАВИНКОМ» ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ УЛУШИ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА БИРЖА САВДОСИГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ.

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | 1 дона акция баҳоси, АҚШ доллар. | Бошланғич таклиф баҳоси, АҚШ долларида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўзиккиламчиранглиметалл | | | | | | |
| 1 | Тошкент шаҳри | <O'zikkilamchiranglimetall> | 2 239 427 910 | 465 | 140 647 | 2,92 | 0,68 | 95 639,96 |
| | | "Ўздонмаҳсулот"ДАК | | | | | | |
| 2 | Тошкент шаҳри | <Дон-нон> | 13 000 000 | 1 000 | 3 250 | 25,00 | 7,51 | 24 407,50 |
| | | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | | | | | | |
| 3 | Тошкент шаҳри | <Ал-Ҳосилот> | 7 067 000 | 1 000 | 1 766 | 24,99 | 11,67 | 20 609,22 |
| | | Мевасабзавот | | | | | | |
| 4 | Қашқадарё вилояти | <Яккабоғ шароб-консерва> | 12 500 000 | 500 | 12 750 | 51,00 | 7,85 | 100 087,50 |
| | | Ўзмашсаноат | | | | | | |
| 5 | Тошкент шаҳри | <Тошкент машинасозлик корхонаси> | 38 214 000 | 100 | 95 535 | 25,00 | 1,61 | 153 811,35 |
| | | Ўзбекенгилсаноат | | | | | | |
| 6 | Фарғона вилояти | <Бешариқ момиқ> | 7 263 600 | 100 | 14 527 | 20,00 | 0,53 | 7 699,31 |

"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши ва давлат активлари эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати.

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | 1 дона акция баҳоси, (сўм) | Бошланғич таклиф баҳоси, минг сўмда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | "Ўзбекнефтгаз"ДАК | | | | | | |
| 1 | Самарқанд вилояти | <ORS-6> | 5 732 000 | 250 | 6 878 | 30,00 | 1 992,95 | 13 707,51 |
| | | "Қизилқумкамёбметаллолтин" ДК | | | | | | |
| 2 | Навоий вилояти | <Қурилиш монтаж N 3> | 6 000 000 | 2 000 | 690 | 23,00 | 2 755,60 | 1 901,36 |
| | | Давлат геология қўмитаси | | | | | | |
| 3 | Тошкент шаҳри | <Маъдан-геология> | 1 083 000 | 500 | 540 | 24,93 | 2 972,97 | 1 605,40 |
| 4 | Навоий вилояти | <Мурунтау> | 4 000 000 | 1 000 | 1 000 | 25,00 | 3 128,50 | 3 128,50 |
| | | "Дори-Дармон" ДА уюшмаси | | | | | | |
| 5 | Фарғона вилояти | <Шифо> | 1 716 750 | 1 962 | 219 | 25,03 | 9 433,79 | 2 066,00 |
| | | Ўзфармсаноат | | | | | | |
| 6 | Самарқанд вилояти | <Гелнон> | 22 766 600 | 200 | 13 853 | 12,17 | 794,06 | 11 000,11 |
| 7 | Тошкент шаҳри | <ELEKOR> | 5 435 000 | 500 | 3 591 | 33,04 | 2 899,56 | 10 412,32 |
| 8 | Андижон вилояти | <Анзис> | 16 497 044 | 746 | 365 | 1,65 | 7 794,80 | 2 845,10 |
| | | Ўзмашсаноат | | | | | | |
| 9 | Самарқанд вилояти | <Самарқандхлопкомаш> | 11 982 000 | 100 | 29 955 | 25,00 | 360,55 | 10 800,28 |
| 10 | Самарқанд вилояти | <Пахтамаш> | 15 170 100 | 1 100 | 3 448 | 25,00 | 7 656,62 | 26 400,03 |
| 11 | Тошкент шаҳри | <Асбобсоз> | 15 175 300 | 100 | 37 938 | 25,00 | 896,92 | 34 027,35 |
| | | Тошшаҳарйуловчитранс | | | | | | |
| 12 | Тошкент шаҳри | <2-AVTOSOZLASH ZAVODI> | 16 587 000 | 3 000 | 1 382 | 25,00 | 4 643,64 | 6 417,51 |
| | | Ўздонмаҳсулот | | | | | | |
| 13 | Андижон вилояти | <Асака Дон маҳсулотлари> | 419 202 000 | 2 700 | 8 694 | 5,60 | 7 842,14 | 68 179,57 |
| 14 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Тўрткуль-дон-маҳсулоти> | 9 692 000 | 200 | 12 115 | 25,00 | 400,24 | 4 848,91 |
| 15 | Сирдарё вилояти | <Гулистон нон очиқ турдаги> | 9 331 500 | 300 | 7 776 | 25,00 | 1 714,52 | 13 332,11 |
| 16 | Наманган вилояти | <Намангандонмаҳсулот> | 300 099 000 | 3 000 | 6 126 | 6,12 | 14 039,02 | 86 003,04 |
| 17 | Наманган вилояти | <Чуст нон ишлаб чиқариш> | 7 916 713 | 497 | 5 171 | 32,46 | 1 529,24 | 7 907,70 |
| 18 | Қашқадарё вилояти | <Қарши-нон> | 20 000 000 | 1 000 | 5 000 | 25,00 | 2 386,82 | 11 934,10 |
| 19 | Қашқадарё вилояти | <Шаҳрисабз тумани нон комбинати> | 3 000 000 | 1 000 | 750 | 25,00 | 5 348,14 | 4 011,11 |
| 20 | Сурхондаре вилояти | <Сурхондарёдонмаҳсулотлари> | 51 700 000 | 1 000 | 12 925 | 25,00 | 22 978,25 | 296 993,88 |
| 21 | Хоразм вилояти | <НОН> | 42 342 000 | 1 000 | 20 332 | 48,02 | 1 275,97 | 25 943,02 |
| 22 | Фарғона вилояти | <Фарғона дон маҳсулот ИЧҲЖ> | 218 346 000 | 200 | 258 641 | 23,69 | 401,11 | 103 743,49 |
| 23 | Фарғона вилояти | <Бағдад донмаҳсулотлари> | 190 584 200 | 200 | 100 000 | 10,49 | 387,90 | 38 790,00 |
| 24 | Фарғона вилояти | <Марғилон нон> | 48 273 918 | 2 478 | 11 011 | 56,52 | 4 534,82 | 49 932,90 |
| 25 | Фарғона вилояти | <Кувасойнон> | 4 623 000 | 1 000 | 3 148 | 68,09 | 4 520,88 | 14 231,73 |
| 26 | Фарғона вилояти | <Фарғонанон> | 41 520 195 | 1 215 | 11 005 | 32,20 | 3 121,92 | 34 356,73 |
| 27 | Қашқадарё вилояти | <Эл-Ҳақи> | 191 227 000 | 1 000 | 47 807 | 25,00 | 4 785,49 | 228 779,92 |
| 28 | Қашқадарё вилояти | <Нур> | 6 850 000 | 1 000 | 1 713 | 25,01 | 4 125,28 | 7 066,60 |
| 29 | Сурхондарё вилояти | <Ш.Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари> | 270 400 000 | 1 000 | 67 600 | 25,00 | 9 471,20 | 640 253,12 |
| | | Ўзагротранс | | | | | | |
| 30 | Навоий вилояти | <Хатирчиагроюк> | 3 100 000 | 1 000 | 775 | 25,00 | 9 201,17 | 7 130,91 |
| 31 | Самарқанд вилояти | <DIOR> | 11 116 000 | 1 000 | 2 779 | 25,00 | 5 217,71 | 14 500,02 |
| | | Ўзавтосаноат | | | | | | |
| 32 | Андижон вилояти | <Андижонирмаш> | 34 451 600 | 100 | 82 684 | 24,00 | 745,79 | 61 664,90 |
| 33 | Жиззах вилояти | <Автотеххизмат> | 225 000 000 | 1 000 | 3 673 | 1,63 | 4 831,31 | 17 745,40 |
| | | Ўзпаррандасаноат | | | | | | |
| 34 | Қашқадарё вилояти | <Қамаши парранда> | 28 358 000 | 1 000 | 6 389 | 22,53 | 2 197,25 | 14 038,23 |
| 35 | Хоразм вилояти | <Рўзмат Ғаипов> | 36 177 000 | 500 | 18 088 | 25,00 | 3 308,23 | 59 839,26 |
| 36 | Хоразм вилояти | <Паррандачилик> | 9 924 000 | 500 | 4 962 | 25,00 | 1 534,91 | 7 616,22 |
| | | "Агромашсервис" уюшмаси | | | | | | |
| 37 | Андижон вилояти | <Мустақиллик> | 11 029 600 | 100 | 16 544 | 15,00 | 834,17 | 13 800,51 |
| 38 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Агрозапчасть> | 8 968 000 | 950 | 1 416 | 15,00 | 2 562,43 | 3 628,40 |
| 39 | Сирдарё вилояти | <Янгиер таъм.механика уст-си> | 1 200 400 | 100 | 1 800 | 15,00 | 2 908,56 | 5 235,41 |
| 40 | Наманган вилояти | <Таъмирлаш заводи> | 4 709 020 | 2 668 | 124 | 7,03 | 9 025,81 | 1 119,20 |
| 41 | Хоразм вилояти | <Агромашсервис> | 2 977 550 | 775 | 961 | 25,01 | 4 667,12 | 4 485,10 |
| 42 | Навоий вилояти | <Замон> | 3 500 000 | 500 | 1 050 | 15,00 | 1 415,34 | 1 486,11 |
| 43 | Навоий вилояти | <Турон> | 5 660 000 | 2 000 | 425 | 15,02 | 13 202,59 | 5 611,10 |
| 44 | Тошкент вилояти | <Далварзин таъмирлаш заводи> | 12 808 089 | 357 | 8 252 | 23,00 | 5 683,00 | 46 896,12 |
| 45 | Фарғона вилояти | <Автотранспорт Фергана> | 2 760 575 | 575 | 720 | 15,00 | 2 521,95 | 1 815,80 |
| | | "Ўзбек ипаги" уюшмаси | | | | | | |
| 46 | Самарқанд вилояти | <Самарқанд пилла ширкати> | 1 228 000 | 1 000 | 307 | 25,00 | 5 211,73 | 1 600,00 |
| 47 | Самарқанд вилояти | <PAYARIGPILLA> | 5 502 000 | 1 000 | 1 375 | 24,99 | 4 843,64 | 6 660,01 |
| 48 | Самарқанд вилояти | <Тайлоқ пилла> | 5 820 000 | 1 000 | 1 455 | 25,00 | 4 054,99 | 5 900,01 |
| 49 | Самарқанд вилояти | <Оқдарё пилла> | 8 320 000 | 1 000 | 2 080 | 25,00 | 3 875,00 | 8 060,00 |
| 50 | Самарқанд вилояти | <Булунғур пилла> | 3 288 000 | 1 000 | 822 | 25,00 | 4 075,43 | 3 350,00 |
| 51 | Самарқанд вилояти | <Жомбой пилла> | 5 385 000 | 1 000 | 1 346 | 25,00 | 2 793,47 | 3 760,01 |
| 52 | Самарқанд вилояти | <Самнаслпиллауруғчилик> | 13 225 000 | 1 000 | 3 306 | 25,00 | 1 784,64 | 5 900,02 |
| 53 | Қашқадарё вилояти | <Китоб туман пилла> | 7 420 000 | 1 000 | 2 910 | 39,22 | 3 055,09 | 8 890,31 |
| 54 | Фарғона вилояти | <Кумуш тола> | 1 982 000 | 1 000 | 495 | 24,97 | 4 881,82 | 2 416,50 |
| 55 | Тошкент вилояти | <Оҳангарон бош пиллахонаси> | 2 045 000 | 1 000 | 511 | 24,99 | 5 347,95 | 2 732,80 |
| 56 | Фарғона вилояти | <Бешариқ пилла> | 5 966 000 | 1 000 | 1 491 | 24,99 | 3 040,45 | 4 533,31 |
| 57 | Қашқадарё вилояти | <Муборак туман пилла> | 2 375 000 | 500 | 1 750 | 36,84 | 3 573,95 | 6 254,41 |
| 58 | Қашқадарё вилояти | <Шаҳрисабз ипак қурти уруғи> | 14 240 000 | 1 000 | 3 560 | 25,00 | 1 360,90 | 4 844,80 |
| 59 | Қашқадарё вилояти | <Косон туман пилла> | 6 350 000 | 1 000 | 1 588 | 25,01 | 2 231,11 | 3 543,00 |
| 60 | Қашқадарё вилояти | <Қамаши туман пилла> | 3 000 000 | 1 000 | 750 | 25,00 | 6 405,34 | 4 804,01 |
| 61 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Тўрткўл бош пилла қуритиш> | 6 960 000 | 1 000 | 1 740 | 25,00 | 1 584,83 | 2 757,60 |
| 62 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Xo'jayli bosh pillaxonasi> | 5 078 000 | 1 000 | 2 534 | 49,90 | 1 963,58 | 4 975,71 |
| 63 | Хоразм вилояти | <Янгиарык-пилла> | 4 012 000 | 100 | 10 030 | 25,00 | 335,07 | 3 360,75 |
| 64 | Хоразм вилояти | <Шовот пилла> | 9 497 000 | 1 000 | 2 374 | 25,00 | 2 410,96 | 5 723,62 |
| | | Ўзбеккино | | | | | | |
| 65 | Самарқанд вилояти | <Ургут киновидео> | 1 224 000 | 1 000 | 184 | 15,03 | 20 765,03 | 3 820,77 |
| 66 | Сирдарё вилояти | <Ширин шаҳар киновидео> | 1 624 000 | 500 | 3 151 | 97,01 | 3 139,04 | 9 891,12 |
| 67 | Сирдарё вилояти | <Киновидео> | 586 000 | 500 | 1 090 | 93,00 | 4 975,60 | 5 423,40 |
| | | Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги | | | | | | |
| 68 | Андижон вилояти | <СУВМАҲСУСТАЪМИР> | 16 549 000 | 1 000 | 4 137 | 25,00 | 4 967,40 | 20 550,13 |
| 69 | Сурхондарё вилояти | <Жарқўрғон темир бетон> | 36 970 000 | 1 000 | 9 242 | 25,00 | 1 512,40 | 13 977,60 |
| 70 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Тахиаташ РМЗ> | 50 809 000 | 1 000 | 12 702 | 25,00 | 1 966,53 | 24 978,86 |
| 71 | Самарқанд вилояти | <9-ХХАТК> | 94 064 000 | 1 000 | 51 529 | 54,78 | 1 435,12 | 73 950,30 |
| 72 | Андижон вилояти | <Андижон қурилиш монтаж бошқармаси> | 17 488 000 | 1 000 | 4 372 | 25,00 | 7 057,05 | 30 853,42 |
| 73 | Хоразм вилояти | <Урганч ХАТК-14> | 120 396 000 | 1 000 | 58 982 | 48,99 | 1 259,56 | 74 291,37 |
| | | Ҳудудийсувқурилиш | | | | | | |
| 74 | Жиззах вилояти | <23-сонли МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННА> | 14 332 000 | 1 000 | 7 166 | 50,00 | 1 903,96 | 13 643,78 |
| | | Ўзгўштсутсаноат | | | | | | |
| 75 | Сирдарё вилояти | <Гулистон сут> | 9 416 880 | 870 | 1 083 | 10,01 | 5 464,82 | 5 918,40 |
| 76 | Тошкент вилояти | <Бекобод сут> | 2 276 060 | 1 436 | 397 | 25,05 | 10 404,53 | 4 130,60 |
| 77 | Хоразм вилояти | <Урганч-сут> | 15 208 400 | 100 | 38 021 | 25,00 | 236,44 | 8 989,69 |
| 78 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Хожейли сут > | 3 185 000 | 1 000 | 796 | 24,99 | 3 424,38 | 2 725,81 |
| | | "Ўзбалиқ" АК | | | | | | |
| 79 | Бухоро вилояти | <Бухоро балиқсаноатсотиш> | 6 303 000 | 3 000 | 525 | 24,99 | 15 472,39 | 8 123,00 |
| 80 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Нокис балиқ> | 1 418 000 | 500 | 709 | 25,00 | 1 986,32 | 1 408,30 |
| 81 | Қорақалпоғистон Республикаси | <Казахдарьябалык> | 3 487 000 | 500 | 1 744 | 25,01 | 945,65 | 1 649,21 |
| 82 | Наманган вилояти | <Наманган балиқчилик> | 28 019 376 | 2 156 | 3 249 | 25,00 | 5 547,96 | 18 025,32 |
| 83 | Тошкент вилояти | <Дамачи> | 7 257 600 | 945 | 1 920 | 25,00 | 4 039,59 | 7 756,01 |
| | | "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси | | | | | | |
| 84 | Андижон вилояти | <Андижон Пойабзал ишлаб чиқариш> | 22 965 000 | 1 000 | 11 048 | 48,11 | 4 999,10 | 55 230,06 |
| 85 | Тошкент шаҳри | <Узбекистан> | 56 261 790 | 845 | 16 645 | 25,00 | 2 445,50 | 40 705,35 |
| | | Мевасабзавотузум | | | | | | |
| 86 | Жиззах вилояти | <Садр-Ваккос> | 600 000 | 1 000 | 177 | 29,50 | 6 190,97 | 1 095,80 |
| | | ИПАК "Шарк" РУз | | | | | | |
| 87 | Андижон вилояти | <Andijon nashriyoti> | 245 183 000 | 1 000 | 99 910 | 40,75 | 1 192,79 | 119 171,65 |
| | | Ўзфармсаноат | | | | | | |
| 88 | Сирдарё вилояти | <ZILOLA> | 510 462 200 | 100 | 421 334 | 8,25 | 120,61 | 50 817,09 |

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32

## ИҚЛИМ

***Ўтган ҳафтадаги ёғингарчилик кўпчиликнинг кўнглига ғул-ғула солиб қўйганга ўхшайди. Чунки аксарият кишилар "ёмғир ёғади" деб хаёлларигаям келтиришмаган эди-да.***

# ЁМҒИР ЁҒМАЙ ТУРСА...

-Табиатга буйруқ бериб бўлмайди. Айниқса, куз-қиш об-ҳавоси... ўзгарувчан бўлади, - дейди гидрометеорология маркази бошлиғи Фотима Қосимова. -Ўтган ҳафта мамлакатимизга ғарбдан совуқ хаво оқими кириб келди. Натижада республикамизнинг барча ҳудудида ёғингарчилик кузатилди. Кечадан бошлаб шимолдан совуқ ҳаво оқими кириб келиши кузатилаяпти. Бироқ хавотирга ўрин йўқ. Ёғингарчилик бўлмайди. Аксинча, эртадан яна ҳаво ҳарорати кўтарилиши кутилмоқда.

Бу йилги об-ҳавони олдинги йиллар билан таққослаб кўрадиган бўлсак, ўтган йили октябр ойида ҳаво қуруқ ва иссиқ келган. 2000 йилда эса ёмғирли ва совуқ об-ҳаво кузатилган эди.

Марказ раҳбарининг айтишича, республикамизда сентябр ойидаги ўртача ҳаво ҳарорати 18-23° илиқ атрофида бўлган бўлса, октябр ойига келиб 6-8° гача пасаяди. Ўртача 10-15° илиқ бўлиши кутилмоқда. Ёғингарчилик 21-28 мм.гача етиши мумкин.

Демак, 14-18 октябр кунлари республикамизда кутилаётган об-ҳаво маълумоти билан танишинг. Ушбу кунларда ҳаво булутли бўлиб, ёғингарчиликларсиз ўтади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. 14-16 октябр кунлари кундузи 18-23°, кечаси 2-7° илиқ бўлиши мумкин. Айрим жойларда эса ҳарорат 0-2° гача пасаяди. 17-18 октябр кунлари кундузи 22-27°, кечаси 7-12° атрофида илиқ бўлиши тахмин қилинаяпти.

Бу эса миришкорлар учун айни муддао. Биз уларга олтин кузнинг қуёшли кунларидан унумли фойдаланинг деймиз.

**Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.**

# ИБН СИНО ВА НОТИЛИЙ

**(Боши 1-бетда)**

"Мен бу кутубхонада шундай китобларни кўрдимки, уларни олдин эшитмаган эдим, кейин умрим бўйи ҳеч қаерда учратмадим ҳам. Мен уларни ўқиб чиқиб, ҳар бир олимнинг ўз соҳасидаги ўрнини тушундим. Кўзим олдида илм даргоҳининг дарвозалари очилди. Ундаги чуқур билимларни мен илгари хаёлимга ҳам келтирмагандим", дея Ибн Сино Амир кутубхонасидан олган таассуротини тасвирлаганди. Бу вақтда Амирнинг китобларга бой муҳташам кутубхонасига Юсуф Хоразмий бошчилик қилар ва у Ибн Синога етарлича шароит яратиб берганди. Юсуф Хоразмий нафақат китобхона мудири, балки етук аллома ҳам эди. Унинг "Илмлар калити" номли китоби Ибн Синога шу даражада таъсир қилдики, ана шу таъсирланиш натижасида кейинчалик у "Илмларнинг бўлиниши ҳақида" номли асарини ёзганди.

Шу каби Ибн Сино Бухородалик пайтида унинг асли хоразмлик бир қўшниси бўлиб, унинг илтимосига кўра ғоятда қимматли асар ёзиб қолдирганди. Бу ҳақда у "Абу Бакр ал-Бароқий исмли бир қўшнимиз бор эди. У фиқҳ ва тафсирнинг жуда билимдони бўлиб, фалсафа билан ҳам шуғулланишга иштиёқи жуда зўр. Унинг илтимосига кўра, "Ал-Ҳосил" ва "Ал-Маҳсул" ҳамда "Китоб ул-бирр ва л-исм" номли иккита китоб битдим. Бу икки китоб ундан бошқа ҳеч кимда йўқ, чунки у киши улардан нусха кўчириб олиш учун ҳеч кимга бермаган", дея ёзганди.

Шу тарзда Ибн Сино ёшлиқ чоғларидан бошлаб хоразмликлар билан яқин алоқада бўлиб, гоҳида улар таъсири, баъзида илтимосига кўра асарлар ёзиб машҳур аллома даражасига етади. Қолаверса, 1000 йили Сомонийлар давлати инқирозга учрагач, Бухорони Бўғрохон босиб олиши билан ёш алломa ижодий-илмий фаолияти шаклланишига катта таъсир кўрсатган хоразмликлар диёрига йўл олди.

Ибн Синонинг айнан Шарқдаги бирон давлатга кетмай Хоразмга борганига, Бухоро билан масофанинг яқинлиги сабаб бўлмаган. Аввало, ёш алломанинг илк устози Нотилийнинг Хоразмга кетганлиги, қолаверса, Хоразмда қадимдан илму ижод учун имкониятлар етарлича бўлгани, шунингдек ўз даврининг буюк алломаси Беруний билан мактуб орқали мулоқотлар олиб боргани Ибн Синони Хоразмга етаклади. Шу каби бу вақтда Маъмундек заковатли ва илмни қадрловчи подшоҳнинг "Байтул-ҳикма"сида даврнинг энг етук алломалари ижоду илм билан банд эдилар.

1000 йили Хоразмга келган 20 ёшли аллома "Байтул ҳикма"да яратилган шароит туфайли илм уммонига шўнғиди. Бу вақтда Абу Саҳл Масиҳий, Беруний, ан-Найсабурий, Ибн Баҳном, ибн Мисковайх каби кўплаб қомусий олимлар билан мубоҳасалар, бир-биридан ўрганиш туфайли, тафаккури бойиб, анча асарларини айнан Хоразмда яратди.

Айниқса, бутун дунёга машҳур "Тиб қонунлари" асарини ҳам Хоразмдалик пайтида ёзиб бошлади дейиш мумкин. Бу ҳақда "Тиб қонунларининг 1954 йилдаги русча нашрига сўзбоши ёзган олим Б.Д.Петров ҳам тўхталиб, Ибн Синога ушбу асарни Хоразмда ёзишга қулай шароит бор эди деган фикрлар билдирганди. Тўғри, А.К.Аренде, М.Салье каби олимлар "Тиб қонунлари"нинг йигирма йил давомида ёзилганини қайд этишган. Аммо Ибн Синога Хоразмда яратилган етарлича шароит, кўзга кўринган табибу алломалар билан фикр алмашувлар асар Хоразмда ёзиб бошланган дейишга асос бўла олади. Қолаверса, Ибн Сино кейинчалик Хоразмдан кетгач, Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуд тазйиқидан қочиб, гоҳ Қозвин, баъзида Исфаҳону Нишопурда ҳамда Ҳамадонда яшади. Султон Маҳмуд тазйиқи натижасида тез-тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган аллома, табиийки, "Тиб қонунлари"дек етук асарни хотиржам ёза олмасди.

Хоразмдалик пайтида эса унга бор имконият ва шароит, тажриба, ўрганиш ва қўллаш, илмий баҳсу мунозаралар ўтказиш учун "Байтул ҳикма" мудом шай эди.

Тўғри, 1017 йилда Маъмуншоҳнинг ўлдирилиши, Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмни истило қилиши "Байтул ҳикма"нинг барбод бўлишига, кўплаб алломаларнинг қочқин бўлиб, таъсиру тазйиқлар остида яшашига сабаб бўлди. Турли шаҳару қишлоқларда Султон Маҳмуд тазйиқи боис қочиб яшаш, Ибн Синодек алломанинг қисқа умр кўришига сабаб бўлди. Гарчи у 1037 йили 57 ёшда Ҳамадонда вафот этган бўлса-да, бизгача унинг 240 та умр боқий асарлари етиб келган.

Ибн Синодек алломанинг ижодий илмий салоҳияти ёшлигидан Юсуф Хоразмий, ал-Вароқий каби хоразмлик алломалар таъсирида шаклланганi, Маъмуншоҳнинг "Байтул-ҳикма"сида фаолият юритиб, кўпгина асарларини бу заминда яратгани эса хоразмликлар учун энг қувончли ва фахрли туйғудир.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

# "ЎЗБЕКСАВДО" акционерлик компанияси

***Аҳоли, чакана, улгуржи савдо ва хусусий тадбиркорлар диққатига:***

**"Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси тасарруфидаги ҳудудий вилоят, шаҳар "Гўштсутсавдо" акциядорлик жамиятлари ва "Озиқовқатсавдо" шўъба хўжалик жамиятлари омборларида Америка Қўшма Штатларидан келтирилган**

**юқори сифатли гуруч етарли микдорда мавжуд бўлиб, пул ўтказиш йўли билан сотилади.**

**Ҳудудий вилоят, "Гўштсутсавдо" акциядорлик жамиятлари ва "Озиқовқатсавдо" шўъба хўжалик жамиятлари РЎЙХАТИ**

| т/р | Корхоналар номи | Манзили | Хизмат телефони |
|---|---|---|---|
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| 1 | "Қорақалпоқгўштсутсавдо" АЖ | Нукус ш., Тўрткўл кўчаси | (36122) 3-72-17 |
| | **Андижон вилояти** | | |
| 2 | "Андижонгўштсутсавдо" АЖ | Андижон ш., Чинобод кўчаси | (37424) 6-66-55 |
| | **Бухоро вилояти** | | |
| 3 | "Бухорогўштсутсавдо" АЖ | Бухоро ш., Когон кўчаси, 10 | (3652) 25-41-71 |
| | **Жиззах вилояти** | | |
| 4 | "Жиззахгўштсутсавдо" АЖ | Жиззах ш., Промзона А | (37222) 6-05-45 |
| | **Қашқадарё вилояти** | | |
| 5 | "Қашқадарёгўштсутсавдо" АЖ | Қарши ш., Ўзбекистон овози кўчаси, 4 | (37522) 7-15-55 |
| | **Навоий вилояти** | | |
| 6 | "Навоийозиқовқатсавдо" АЖ | Навоий ш., "Спутник" шаҳарчаси | (43622) 5-37-53 |
| | **Наманган вилояти** | | |
| 7 | "Намангангўштсутсавдо" АЖ | Наманган ш., Раустан кўчаси | (36923) 2-64-60 |
| | **Самарқанд вилояти** | | |
| 8 | "Самарқандгўштсутсавдо" АЖ | Самарқанд ш., Ўзбекистон кўчаси, 116 | (3662) 37-04-83 |
| | **Сирдарё вилояти** | | |
| 9 | "Сирдарёгўштсутсавдо" АЖ " | Гулистон ш., Қурувчилар кўчаси, 1 | (36722) 26-46-88 |
| | **Сурхондарё вилояти** | | |
| 10 | "Термизгўштсутсавдо" АЖ | Термиз ш., А.Ҳидоятов кўчаси, 1 | (37622) 2-38-67 |
| | **Тошкент вилояти** | | |
| 11 | "Ангренгўштсутсавдо" АЖ | Ангрен ш., Облиқ шаҳарчаси | (37166) 2-24-60 |
| 12 | "Бекободгўштсутсавдо" АЖ | Бекобод ш., Аббосов кўчаси, 18 | (37191) 2-18-79 |
| 13 | "Олмалиқгўштсутсавдо" АЖ | Олмалиқ ш., Бўстон шаҳарчаси | (37161) 2-16-34 |
| 14 | "Чирчиқгўштсутсавдо" АЖ | Чирчиқ ш., Озодбош шаҳ. Наврўз кўчаси | (37171) 3-20-40 |
| | **Фарғона вилояти** | | |
| 15 | "Фарғонагўштсутсавдо" АЖ | Марғилон ш., Янгифарғона кўчаси, 1 | (37323) 3-17-24 |
| 16 | "Қўқонозиқовқатсавдо" ШХЖ | Қўқон ш., Халқ сўзи кўчаси, 16 | (37355) 2-12-65 |
| | **Хоразм вилояти** | | |
| 17 | "Хоразмгўштсутсавдо" АЖ | Урганч ш., Парранда фабрикаси шаҳ., 1 | (36235) 9-45-70 |
| | **Тошкент шаҳри** | | |
| 18 | "Марказозиқовқатсавдо" ШХЖ | Тошкент ш., Толариқ кўчаси, 26 | 96-33-52 |
| 19 | "Тижорат" РСИЧФ | Тошкент ш., Навоий кўчаси, 25 | 139-11-55 |
| 20 | "Сервисторг" РСИЧК | Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 6 | 139-18-75 |





## АЖОЙИБ ТИКУВЧИ

***Варшавалик Альфред Элерт аслида математик. Бироқ, у ҳаваскор тикувчи ҳам эди.***

**ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ**

Тикувчи бўлганда ҳам ажойиб қобилиятга эга эди. Гап шундаки, у ҳаёти давомида буюртма бўйича тиккан костюм-шимлардан ақалли бирортасини мижозининг бўй-бастини ўз қўли билан ўлчаб тикмаган. Фақатгина мижозининг оғирлигини, бўйини, елка кенглигини ва бел айланасини сўрарди, холос. Газламани аввал бичиб,сўнг кийдириб кўриб, ундан кейин тикарди. Альфред ҳатто телефон орқали ҳам буюртма оларди.

**Зуҳра РИХСИЕВА тайёрлади.**

# SPORT OLAMIDA

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

***Шанба оқшомида Европанинг йигирма мамлакати "Евро-2004" саралаш босқичининг сўнгги тур учрашувларига мезбонлик қилган бўлса, ўнта мамлакат фуқаролари ўз терма жамоаларининг келгуси йил Португалияда бўлиб ўтадиган Европа чемпионатининг иштирокчисига айланганини тантана қилдилар.***

Европа чемпионатининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини Франция, Дания, Чехия, Швеция, Германия, Греция, Англия, Болгария, Италия ва Швейцария терма жамоалари қўлга киритишди. Шунингдек, Словения, Норвегия, Голландия, Латвия, Шотландия, Испания, Туркия, Хорватия, Уэльс ҳамда Россия терма жамоалари ҳам энди ўз омадларини плей-офф баҳсларида синаб кўрадиган бўлишди. Эслатиб ўтамиз, қўшимча учрашувлар жорий йилнинг 15 ҳамда 19 ноябр кунлари уйда-меҳмонда тизими бўйича ўтказилиши кўзда тутилган.

Саралаш учрашувларининг сўнгги турида қуйидаги натижалар қайд этилди: Кипр-Словения-2:2, Франция-Исроил-3:0, Норвегия-Люксембург-1:0, Босния ва Герцоговина-Дания-1:1, Австрия-Чехия-2:3, Голландия-Молдова-5:0, Швеция-Латвия-1:0, Венгрия-Польша-1:2, Германия-Исландия-3:0, Шотландия-Литва-1:0, Греция-Шим.Ирландия-1:0, Арманстон-Испания-0:4, Туркия-Англия-0:0, Лихтенштейн-Словакия-0:2, Хорватия-Болгария-1:0, Бельгия-Эстония-2:0, Италия-Озарбайжон-4:0, Уэльс-Сербия ва Черногория-2:3, Россия-Грузия-3:1, Швейцария-Ирландия-2:0.

Кеча эса Франкфурт шаҳрида плей-офф баҳслари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда ва Европа чемпионатининг тарихи хусусида газетамизнинг келгуси сонларида сизларни батафсил таништириб борамиз.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Қозоғистоннинг Уралск шаҳрида ёшлар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари 13 та медаллар шодасини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди. 18 та давлатдан 307 нафар спортчи иштирок этган ушбу муросасиз беллашувларда ҳамюртларимиздан Гулмира Жамоловага бронза, Насим Тугаевга бронза, Дилмурод Мавлонов, Гулзера Каримова, Дилноза Қамбарова, Илья Сагиров, Элдор Ғуломовларга кумуш, Анна Маковлеева, Дилафруз Ибрагимова, Қундуз Жўраева, Умид Ҳалилов, Лочин Тошалиев, Дамир Муҳидовларга бронза медаллари насиб этди.

## ШОҲСУПАДА ЯНА "АНДИЖАНКА"

***Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда аёллар футболи ҳам жадал ривожланиб бораётганини таъкидлаш ўринли.***

Шу боис аёллар ўртасида мамлакат биринчилиги баҳслари ўтказиб келинмоқда. Пойтахтимиздаги "МҲСК-2" ўйингоҳида олти жамоа ўртасида Ўзбекистон VII чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ғолиблик учун "Андижанка", "Шердор", "Хумо", "Гулбаҳор", "Талаба", "Ёшлик" жамоалари муросасиз кураш олиб боришди. Мусобақалар якунида "Шердор"ни 9:0, "Гулбаҳор"ни 2:0, "Талаба"ни 3:0, "Хумо"ни 5:1, "Ёшлик"ни 3:0 ҳисобларида мағлуб эта олган "Андижанка" қизларига ғолиблик насиб этди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 2 майда И.И.Гулямов номига берилган чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган № 1017880-рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "FERUZA-SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг номи ўзгартирилиб, барча мажбуриятларини сақлаган ҳолда "SHUXRAT-IBRAT" масъулияти чекланган жамияти деб номланади.

Тошкент Банк коллежи томонидан 2001 йили Олимжонов Шоҳруҳ Олимжон ўғлига берилган № 1248420 (қайд рақами № 236) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ПОЛИЗ ОҚШОМИ

**ҲИКОЯ**

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

-Кўрдим, болам, кўрдим. Боя айтганимдай ҳамма нарса бажо экан-у... – деб Ҳожи бува бирпас жимиб қолди. – Аммо, у ерларда яшаётган ҳамюртларимизга битта нарса етишмас экан-да. Бу – юрт меҳри! У бечоралар бир умр эл соғинчи, юрт соғинчи билан яшар эканлар. Бир ғалати воқеа содир бўлди: сафаримиз кеч кузакка тўғри келиб қолгани учун, "Кел, битта-яримта ҳамюртимиз кўриниб қолгудек бўлса... қуруқ қўл бермай, деб уч-тўрт ўрим қовун қоқи олволган эдим. Худди айтганимдай бўлди! Бизларни самолётдан ўша ердаги ҳамюртларимиз кутиб олишди, меҳмонхонада ҳам ўшалар хизмат қилишди... Мен уларни олиб борган қовун қоқим билан сийладим. Чунонам хурсанд бўлишдики, асти қўяверасиз. Баъзилари қовун қоқини астойдил тавоф қилишиб, шира-пирасига қарамай кўзларига суртишади денг. Вой шўрликлар-эй, бу жойларда қовун бўлмайди чоғи, дейман ичимда.

-Ростдан ҳам қовун бўлмас эканми у ерларда?

-Ҳа, кейин билишимча, у жойларда ростданам қовун ўсмас экан. Ўсса ҳам бизникидай мазали бўлмаса керак-да. Шу дейман, аждодларимиз ҳам хўп ақлли одамлар бўлган эканлар-да, а? Икки дарё оралиғидаги серҳосил заминни зап танлашган экан-да! Бизнинг тупроғимизда каромат кўп. Яхши ният билан нимаки эксангиз, ниш уриб чиқади-я! Ишонмаяпсизми?! Агар ишонмасангиз нам тупроққа бирпас оёғингизни тиқиб туринг, қулоғингиздан куртак ниш урмаса мен кафил!

Мухбир йигит " Ҳожи буваси тушмагур сал ошириб юбормадими", деб мийиғида кулди. Атрофга оқшом қоронғилиги ингани учун Ҳожи бува буни пайқамади. Андак сукутдан сўнг Ҳожи бува:

-Соатингиз қанча бўлди, ўғлим? – деб сўраб қолди.

Мухбир йигит гугурт чақиб соатига қаради.

-Ўн ярим.

-Ўн ярим? Ие, кансертни ўтказиб юборибмиз-ку, - чол ёстиғи тагидан кичкинагина радиоприёмнигини олиб, мурватини буради. Концерт ниҳоясига етай деб қолган экан. – Неварамди совғаси. Олтин тўйимизга қилган. – Чолнинг овозида озгина ғурур, озгина фахр бор эди.

-Набирангиз қаерда ишлайди?

-Ҳали Тошкентда ўқишда, демадимми? Мактабди битириб, бир-икки йил ёнимда ишлади. Кейин ўқишга кетди. Бугун сентябрди ўними? Ўн икки кун бўлди кетганига, кеча қовун отган мошинда тушиб кўриб чиқдим.

-Ўн кун ўтмасдан-а?

-Э, кампири тушмагур қўймади-да, бўлмаса тушармидим шаҳарга.

-Нима, шаҳар ёмонми?

-Шаҳар-ку, яхши!.. Бозорди кўриб хафа бўлиб кетасан-да.

-Нега?

-Полизди оралаб чиқдингиз-а?

-Ҳа.

-Хўш, нима сездингиз?

-Ҳеч нарса.

Бошқа ёқдан обкелишган экан. Бизнинг қовунларимизга ўхшамайди. Ундан кейин мен сизга айтсам, харидорлар ҳам жуда инжиқ бўлиб кетибди. Ҳа, ношукур бўпкетибти! Тилладай сарғайиб, ҳиди анқиб турган бўлса ҳам "Хом эмасми? Дори солинмаганми?" деб бармоғи билан эзиб кўради денг. Шунақа демасин, деб қовунди ўзим саралаб узаман. Ҳалигиндақа гаплар жуда оғир ботади, ўғлим. Харидор қовунди босса, нақ пешанамда бармоғининг изи қоладигандай қийналаман. Тарвузларди кафтларига олиб қисганларида виждоним сиқилаётгандай бўлади... Тўғри, баъзи бир инсофсиз деҳқонлар бор, дори солиб қовунди сулув қиладиган. Шуларди касопатига қоламиз бизлар ҳам. Қовунди ҳадеб бир жойга экаверса ҳам бўлмайди. Ер кучсизланиб, шумғия чиқиб кетади. Бу йил иккинчи жой алмаштиришимиз. Нуқул бўз ер қидирамиз. Икки йил экиб, сўнг еримизди пахтага бўшатиб берамиз... – деб бир оз осмонга қараб ётди чол.

-Қовунларди ўз қўлимиз билан экканмизу бозорда кўриб, бир нуқсонимиз очилиб қолди, ўғлим. Памлаган бўлсангиз, қовунларимизди хили асосан қандалагу тўрлама қизилуруғ минан ананас. Худонинг қудрати, бозорда ҳам мана шунақа қовунлар... Ўзбекистон қовунди макони, буни биласизми? Шундоғ бўлгандан кейин амири, чўгири, обиноввот, гулоби, кўкча, ундан сўнг десангиз бузоқбоши, бегизот, кампирқовун, бўрикалла, хўп деганингиздан қўйбош, ичиқизил, тилими тилни ёрадиган шакарпалак... эҳ-ҳе, юз хил қовунларимиз бор-а, ўғлим.

-Уч юз хил деб ёзишади-ку олимлар.

-Балли, ана ўша қовунларди кўпчилиги йўқ-да.

-Нега?

-Нега бўларди, ўғлим, сирти ялтироқ бўлишини ўйлаймиз-да! Ичиминан ишимиз бўлмайди. Энди экаман, шу гал тушганимда тўртта-бешта қовун олиб чиқдим уруғликка.

"Қовуннинг яхши бўлиш сабаби шунда экан-да", деб ўйлади мухбир йигит.

Чол бирпас тин олиб, сўради:

-Гап нимада тўхтовди?

-Харидорларда.

-Ҳа, бугун мундоқ бозор оралаб келаётсам, тузуккина иккита йигит, сизникидай сурнай поча шим кийган... бориб қовун олди.

Шундоққина супанинг ёнгинасида қўққисдан бир нарса қарс этиб ёрилди. Қаттиқ қарсиллади. Мухбир йигит чўчиб тушди.

-Ҳа-а, акангди қовуни! – деди Ҳожи бува, кейин хихилаб кулди. – Қаранг ёрилишини! Кўкча. Ўзиям асал. Дори солинган қовун бунақа ёрилмайди, ўғлим.

Чол яна жимиб қолди. У гап нимада тугаганини ўйлармиди ё бошқа мавзу қидирармиди, қоронғида билиб бўлмас эди. Мухбир йигит чолни мавзудан четга чиқиб кетмасин деб савол берди:

-Бояги менга ўхшаб сурнай поча шим кийган болалар нима бўлди?

-Ҳа, айтмоқчи, - гапини давом эттирди чол. – Тағин ўғлим хафа бўлманг сурнай поча деганимга.

-Йўғ-э.

-Улар олган қовунларини бир чеккага олиб чиқишди. Биттаси зўрға энгашиб, қовуннинг дум берган томони у ёқда қолиб, тескари томонига пичоқ солса бўладими? Қараб туриб жаҳлим чиқиб кетди: экиб бердим, обкеб бердим, ке энди сўйиб ҳам берай, дедим. Бориб қўлидан пичоқни олдим. Қовунди бу ёғидан мана бундай қилиб сўяди, ўғлим, дедим. Қаққайиб турганининг номуси келди шекилли: "Пулимизга олганимиздан кейин қанаққиб сўйсак барибир эмасми, отес", деди. Индамадим. Ростини айтсам, ғазабим қўзиди. Сўйиб бердим-да, буёғроққа келиб турдим. Қовунди ҳам худди кемшик кампирдай чала-чулпа еб кетишди. Биз деҳқонмиз, тенгини топсак текин берамиз, ўғлим. Ҳалиги кўрнамакларнинг нописандлик билан чала егани бизга ҳурматми? Тозалаб еса жонимиз киради. Ўз пешона тери билан топган пули бўлса шундай қилармиди? Жуда кўнглим хира бўлди. Катта мактабга бориб, неварамди кўрдим-да, тез қайтиб чиқа қолдим... – Ҳожи бува шу ерда гапини тўхтатиб, мухбир йигитга қараган эди, у асабийлик билан босиб-босиб сигарет чекаётган экан. Чол уни хафа қилиб қўйдим шекилли, деб ўйлаб, сўз қотди:

-Қовун сўйиб берайми, ўғлим?

-Раҳмат ота. Эрталаб.

-Майли, қовун есанг саҳар е... деганлар. Ҳу анави ўқариқ бўйида битта яхши ҳандалагим бор. Эрталаб кўриб, бир кунлигинг боров, деб қўйган эдим. Худо хоҳласа эрталаб ўшани сўйиб бераман, - деди Ҳожи бува. Меҳмоннинг мухбир эканлиги энди эсига тушди шекилли, бошини сал кўтариб сўради: - Хўш, ўғлим, энди гапингиз бўлса сўранг?

-Раҳмат, отахон, - деди мухбир йигит кулиб. – Менга керакли гапларнинг ҳаммасини айтиб бердингиз.

Ҳожи бува ҳайрон бўлиб қолди. "Қизиқ, аввалги мухбирлар қоғоз-қаламни олиб, сўроқ қилавериб, бошингни қотирар эди-ку?! Тағин, чакки гап гапирмадиммикин?"

Ҳандалак бўйини аста уфуриб ўтган дайди шабада палаклар оромини бузди. Чол радиочасининг товушини бир баҳя кўтарди. Оромбахш "Чўли ироқ" полизнинг сеҳрли оқшомига яна ҳам файз киритди. Қаердадир йилқичи қуши "от йўқ, от йўқ" деб чўзиб-чўзиб сайрар, осмондаги юлдузлар эса имлаб, нимадир дегандай бўларди...

Супа ёнидан бир нима шитирлаб ўтди. Мухбир йигит чўчиб, ўрнидан сакраб турди.

-Ҳе, текинхўр кирпи-ку. Қовунди сарасини излаб юрибди, - деди чол хихилаб. – Ётаверинг, ўғлим.

Атроф туннинг сирли либосига бурканган. Канал томонда қурбақаларнинг аҳён-аҳёнда қуриллаши, чўпонларнинг ўтовидан итларнинг ҳуриши эшитилади.

Мухбир йигит Ҳулкар тиккага келганида кўзи илиндими ё Чўлпон туғилганидами, буни билмайди. Эрталаб бошини кўтарганида ҳали қуёш чиқмаган, тонгги шудрингдан кўрпаларнинг усти хўл бўлиб қолган эди. Ҳаво танани жунжиктирадиган даражада салқин. Қовун юкланган машиналар кўринмас, чол аллақачон ўрнидан туриб қовун полиз оралаб юрарди. Бир маҳал чол мухбир йигитни чақириб қолди. У ўрнидан туриб, қалин фуфайкани елкасига ташлаб, чолнинг олдига борди.

-Мана буни қаранг! – деди чол қалин палакни икки қўли билан айириб. – Кечаси сизга ваъда қилган ҳандалагим...

Худди кесилган коптокка ўхшаб, ҳандалакнинг ярми йўқ, ичи эса бир текисда қиртишланиб, тозалаб ейилган эди.

-Бу кирпитекинхўрнинг иши. Тозалаб ебдими, қандини урсин! – деди Ҳожи бува кулиб.

Чол кирпининг бу ишидан ниҳоятда хурсанд эди.

**Носир ФОЗИЛОВ**

**Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 17 октябр, жума куни чиқади.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

2 3 4 5 6